БАЙРАМОНА ТУҲФА

ЖИЗЗАХ. Бахмал туманидаги Дувлат қишлоғи болалари қишки таътилдан кейин янги мактаб биносида яйрайдиган бўлишди. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорлик маси ҳомийлигида қурилган бу мактабда бир йўла 300 болага қўнғироқ чалинади. Мактабга қирғиз халқининг суюкли фарзанди Тўхтағул номи берилди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ЭСДА ҚОЛАДИГАН ТЎЙ

БУХОРО. Қогон тумани ҳокимлиги билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши ҳамкорликда савобли иш қилишди. Кам таъминланган оилаларда камол топаётган ўндан ортиқ боланинг суннат тўйини хосил байрамига қўшиб юборишди. Ҳалолланган болаларга бош-оёқ сарупо берилди. Отаоналарига меҳр-саховат кўрсатилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

"ХУАНЦАО — ДЎСТЛИК"

ТОШКЕНТ. Пойтахтимиздаги ресторанлар яна биттага кўпайди. Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг "Хуанцао — Дўстлик" ресторанида юз хилдан кўпроқ турли таом ва пиширикдар тавсия қилинмоқда. Хитойлик ошпазлар анъанага кўра балиқ ва қўзиқориндан таомлар тайёрлашни ўрнига қўйишяпти.

Алишер РЎЗИЕВ.

БОЛАЛАР АКАДЕМИЯСИ

САМАРҚАНД. Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройида Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлимининг ўқувчилар кичик академияси фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир дорулҳикматнинг икки бўлимида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тиббиёт, ижтимоий фанлар, Ўзбекистон халқлари маданияти ҳамда тарихини ўрганиш бўйича машғулотлар ташкил қилинган. Бу ерда 48 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 4 январь, шанба № 2 (22.087).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МЕҲР КУНДА КЕРАК

ҚАШҚАДАРЁ. Оқибат, меҳрибонлик азалий қадриятлардан. Китоб туманидаги вилоят «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларининг кўнглини овлаш, уларга меҳр кўрсатиш ҳам ўзига хос анъана. Ўтган йили бундай савобли иш кетидан қувган тадбиркорлар бир неча болакайларнинг суннат тўйларини ўтказиб бериб, дуо олгандилар. Яқинда эса болалар уйининг доимий ҳомийси Муборак газни қайта ишлаш заводи 160 ўринли ошхона биносини қуриб берди. Бунёдкорлик ишларини 226-хўжаликлараро кўчма жамланма бинокорлари амалга оширдилар.

Юнус УЗОҚОВ.

ҚЎРИҚХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

СИРДАРЁ. *Вилоят ҳокими Ўктам Исмоилов музофотда ўрмончилик хўжалигини ривожлантириш борасида қарор қабул қилди. Мақсад — қўриқ воҳа бағрини ўзига хос ўрмон билан буркаш. 165 гектарлик ерда «Сирдарё» қўриқхонаси ташкил этилади. Ховос туманидаги унутилган иккита собиқ кўчатчилик хўжалиги қайта тикланди. Шунингдек, боғ майдонларини ирригациялаш, суғориш, озиқлантириш, йўл ёқаларига нав-ниҳоллар ўтказиш кўзда тутилган.*

Абдужалил УМАРОВ.

УСТИ БЕРК БОЗОР

НАВОИЙ. *Кизилтепа тумани марказий кўрғонида қиймати 1734 минг сўмлик усти берк бозор фойдаланишга топширилди. Қишкировли кунлар бошланиб қолса, бундай масканда савдо қилаётганлар ҳеч қийналмайдиган бўлишди. Бозор қурилишида 211-кўчма механизациялашган жамланма, 118-автокорхона бунёдкорлари ғайрат кўрсатдилар.*

Музаффар ШАРОПОВ.

БРАЗИЛИЯДА АВТОМОБИЛЬ КЎПАЙМОҚДА

Мутахассислар фикрига кўра, Бразилия 2000 йилга бориб енгил машина турларининг кўплиги бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаши мумкин. Бу ерда фаолият кўрсатаётган «Фольксваген», «Фиат», «Женерал Моторс» ва «Форд» заводларига яқин тўққиз ой ичида Жанубий Кореянинг «Азия Мотос», Японияниг «Хонда» ва «Тойота», Германиянинг «Ауди» ва «Мерседес», Америкининг «Крайслер» ҳамда Франциянинг «Рено» каби етакчи автомобиль ишлаб чиқариш фирмалари ҳам қўшиладилар. Бундан ташқари яна бир қатор чет эллик автогигантлар бу ерда йиғув линияларини қуришни мўлжалламоқдалар. Агар бу режаларнинг барчаси амалга ошса Бразилияда 14 турдаги автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳозир ушбу мамлакатда ҳар 11 кишига битта автомобиль тўғри келмоқда.

ДУНЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛАТВИЯНИНГ ЭНГ МАШҲУР ОДАМИ

Латвияда ўзига хос сўров ўтказилди. Мамлакат аҳолисидан ўтган йилнинг энг машҳур кишиси ким деб сўралганида кўпчилик мамлакат Бош вазири Андрис Шкеле деб тан олишди. Жаҳон миқёсида эса латвияликлар АҚШ Президенти Билл Клинтонни йилнинг энг машҳур кишиси деб қайд этишди. Сўровни «Прогноз» мустақил социологик хизмати ўтказди.

БЕЛЬГИЯДА БАНКРОТГА УЧРАГАНЛАР КЎП

1996 йилда Бельгияда ўтган йилга қараганда 4,8 фоиз кўп корхоналар банкротга учради. Яъни 7358 корхона бундай инқирозга юз тутганлиги маълум бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, бундай рекорд натижага ўтган олти йил мобайнида биринчи марта дуч келинмоқда. Иқтисодчилар 1997 йилда ўтган йилга нисбатан иқтисодий ўсиш юз беришига ишонч билдирмоқдалар.



ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНАЛАРИ. А. ПАРДАЕВ олган сурат.

Бу ҳазил эмас

«БАҲОР»НИ БОЗОРГА СОЛИБ БЎЛМАЙДИ

«Кечагина Японядан келдик. Сафаримиз жудаям зўр бўлди. Э, бу японлар ҳеч саҳнадан туширишмади. Ўзлариям қўшилиб ўйнаб кетишди. Ҳатто бир кампир келиб таржимонимиздан «булар Мукаррама опанинг қизларимасми, ўйинлари ўхшаб кетяпти» деб сўрабди. Эшитиб, суюнганимдан кўзларимга ёш келди».

Бу Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашеванинг бир ой аввалги қувонибқувониб айтган ҳаяжонли сўзлари. Кеча эса... Ўзи сим қоқиб «Таҳририятга бормоқчи эдик. Икки оғиз гапимиз бор» деганида ҳайрон бўлдик. Сўнг бир гуруҳ баҳорчилар билан бирга кириб келди. Ҳаммасининг юз-кўзларида хавотир сезилиб турарди. «Нима гап, тинчликми?» Опа қўлимизга бир даста қоғозлар тутқазди-да, куюниб гапира бошлади:

— Очиғи, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганида бошимиз осмонга етган эди. Ниҳоят санъатимиз энди ўз қадр-қимматини тиклайди, деб умид қилгандик. Лекин бугун акси бўляпти. Бирлашма раҳбарлари ҳеч ким билан ҳисоблашмай ўз билганларича иш юритишяпти. Жонли мисол: Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг балансида бўлган бинони ҳамда концерт залини бизнинг ихтиёримиздан тортиб олиш тўғрисида буйруқ чиқаришди. Энг даҳшатлиси, концерт зал фойеси ҳамда буфет ва айрим хоналарни Покистоннинг бир фирмасига ижарага беришибди. У ёғини сўраманг. Ҳозир бу бинода шом тушиши билан шовқин-суронли чет эл мусиқалари жўрлигида то ярим тунгача ажабтовур базмлар ўтказиляпти. Билмадим, бу аҳволда эртага Мукаррама Турғунбоевадан мерос бўлиб қолган «Баҳор»дан айрилиб қоламиз...

Қоғоз-ҳужжатлар билан танишдик. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ансамбль жамоасига йўллаган хати эътиборимизни тортди. Унда мазкур бино тарихий-маданий қимматга эга бўлганлиги туфайли давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган иншоотлар тоифасига киритилиши алоҳида таъкидланган. Тўғриси, ким ҳақ, ким ноҳақлигини ҳозирча айтиш мушкул. Аммо бир ҳақиқат аён: у ҳам бўлса ўзбек миллий рақс санъатининг энг нодир меросини авайлаб-асраб, қолаверса, бутун дунёга кўз-кўз этиб келаётган «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамбли ўзининг қирқ йиллик ўтмишини ҳимоя қилаётир.

Дарвоқе, бой миллий-маданий меросимизни бозорга солиб бўлмайди. У халққа тегишлидир.

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ШОИР НОМИДАГИ БОҒ

ФАРҒОНА. Қўқонда вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ таниқли шоира Нодирабегим номи билан аталувчи боғ мажмуини барпо этиш бошлаб юборилди. Шаҳарнинг Ўрмонбоғ мавзесидаги 20 гектарлик майдонда кўнгилтортар кўринишга эга бўлган оромгоҳ ташкил этилади. Бу ерда дўконлар, болалар майдончалари, шоирлар хиёбони бўлиб, фавворалар отилиб туради. Кўзга кўринарли жойда Нодирабегимнинг баландлиги 5 метр бўлган ҳайкали қад ростлайди. Наврўз байрами кунлари боғнинг тантанали очилиш маросими бўлади.

Алишер ИБОДИНОВ.

Мухбир муаммо қўяди

БАЛИҚЛИ КЎЛИГА БИР БОҚАЙЛИК

Замбилда келтирилган бир беморнинг ҳафта ўтмай, оёққа турганини, даволаниш муддати охирида ўзи юриб кетганини маҳобат қилишди... Қизиқ, бунда не сир бор экан? Нима билан даволашади?

Маъдан сувлар, балчиқ, шам ва электр қуввати билан даволайдилар!

Балчиқ суяк, мушак, бўғин ва асаб касалликларини даволашда жуда катта самара беради. Булардан ташқари кишиларнинг жинсий шамоллашларида, ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланилади. Қон айланиши ва моддалар алмашувини яхшилайди.

Республикамизда балчиқ билан даволанишга эҳтиёж сезган беморлар кўплигига қарамай, балчиқ олинадиган манбалар ниҳоятда кам, ҳатто йўқ ҳисоби. Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги йирик тиббиёт муассасалари — Луначарский номли, «Чинобод», «Ботаника», «Янги йўл», «8 Март» сиҳатгоҳлари, Фарғона водийсидаги «Чимён», «Чортоқ», Сурхондарё ҳамда Қашқадарё воҳасидаги баъзи сиҳатгоҳлар балчиқни Жиззах шаҳри яқинидаги Балиқли кўлидан ташийдилар. Ушбу мақола ана шу Балиқли кўлининг бугунги аянчли аҳволи, уни яхшилаш имкониятлари ҳақида.

Балиқли кўли жуда кўп йиллардан буён маҳаллий аҳолига «хизматда». Унинг атрофида яшовчи бел оғриқ, оёқ оғриқ беморлар ёзнинг саратон ойида бу ерга келишади-да, таналарининг оғриқ жойларини қуёш ҳароратидан қизиб ётган балчиққа кўмишади. Шу тариқа дардларига малҳам топишади.

Биз юқорида номларини санаган сиҳатгоҳлар бу ердан балчиқни 2-3 йилда бир марта олиб кетадилар ва ундан узоқ вақт давомида такрор-такрор фойдаланадилар. Улар балчиқдан бир марта фойдалангач, махсус хандақларда узоқ вақт биқтириб, тегишли дорилар билан дорилаб қўйишади. Сўнг яна муолажа учун фойдаланишади.

Шифокорлар табиатнинг бу неъматидан шу қадар тежаб, эҳтиётлаб фойдаланишар эканлар, демак бу, бежиз эмас. Уни фақатгина шифо масканларида тежаш тўғрими? Асл манбасида авайлаб-асраш, кўпайтириш, органик жиҳатдан бойитиш мақсадга мувофиқ бўлмайдими?

Кўл сатҳи бундан чорак аср муқаддам 10 квадрат километрдан зиёд бўлиб, ундаги балчиқ қатлами 35-36 сантиметрдан кам эмасди. Ҳозирги пайтда у бор-йўғи 2 квадрат километрга етар-етмас бўлиб, балчиқ қатлами 2,5-3 сантиметрга тушиб қолган.

Кўл жўғрофий жиҳатдан бир томони Пистали тоғи этагига туташса, бошқа уч томони шўр тупроқли текисликдир. Ана шу текисликни ўзлаштириш баҳонасида ётқизилган дренаж ва қазилган зовурлар унинг сувини тортиб кетиши оқибатида кўл кичрайиб кетди. Лекин ўша ўзлаштирилган текисликдан ҳам ҳали ёлчитиб ҳосил олинмади. Ахир, ўта шўр тупроқда нима ҳам битарди?

Бинобарин, ўша зовур ва дренажларнинг кўлга яқин қисмини энди ишлатмаслик керак. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, касаба уюшмалари республика кенгаши раҳбарлари кўл атрофини муҳофаза қилиш, ҳар хил талон-торожликларга чек қўйиш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Маҳаллий оқсоқоллар билан суҳбатлашиб, Балиқли кўлига узоқ йиллар давомида Пистали тоғидан қор ва ёмғирлар суви оқиб тушиши эвазига тоғнинг турли гиёҳ ва ўсимликлари келиб қўшилиб турганини, улар кўлнинг шўр сув ва балчиғида чириб, маълум даражада фойдали микроэлементлар билан бойитганини билдим. Ҳозирги пайтда кўл атрофи экинзорларга айлантирилиши тоғ ёнбағри табиатини ҳам ифлослантирмоқда. Негаки, яйлов йўқлигидан аҳолининг чорва моллари тоққа ўрмалаб ёйилади ва уларнинг ахлатлари тоғдан оққан ёмғир сувлари билан кўлга қўшилади. Демак, бу ҳолга ҳам барҳам беришни ўйлаб кўриш керак.

Кавказнинг шифобахш шаҳарлари балчиқ оладиган Тамбукан кўли, Болтиқ бўйидаги Кемери, Юрмала каби шаҳарлар сиҳатгоҳлари торфли балчиқ оладиган ўрмонлар ҳамиша муҳофаза қилинади, истеъмолчи шифо масканларига қатъий ҳисоб-китоб билан маҳсулот берилади. Шундай экан, нега биз Балиқли балчиғини авайлаб-асрамаймиз?! У бизга фақат бугун ва эртага эмас, мангу керакдир. Таркибида ўттизга яқин микроэлементи бўлган Балиқли балчиғи республикада ягона эканини ҳам унутмаслигимиз керак!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Қўнғироқ

ҚУРИЛИШ ЎРНИДА ЧИҚИТ УЮМИ?

Шайхонтоҳур туманининг Бешёғоч даҳасида, шундоққина 45-АТС билан Чақар маҳалласи ўртасида 35-қаватли меҳмонхона қурилармиш, деган овоза тарқалган эди. Шунга ҳам роппа-роса 14 йил бўлиб қолди! Бу ерда биттагина эски кўтарма кран ҳамон қаққайиб турибди. Қурилишдан эса ном-нишон йўқ. Энг ачинарлиси, ҳозир чала пойдевор атрофи ҳар хил қурилиш чиқиндилари билан тўлиб-тошиб кетган. Кимнинг нима кераксиз нарсаси бўлса, шу ерга олиб келиб ташлаяпти. Бу ҳам етмагандек ахлат уюмларини айтмайсизми!?

Агар бу ерда бирон қурилиш бошланмаса (ҳали-бери бошланиши ҳам мавҳумга ўхшайди!) ҳар хил чиқиндиларни эски 6-пиво заводи ўрнидаги ҳандаққа олиб бориб ташлашса, ўша ҳандақ аллақачон тўлган бўларди!

Ўзбекистон шоҳкўчасидан Халқлар дўстлиги шоҳкўчасига бораверишда атрофи чиройли бетон билан ўралган ва биттагина кран қаққайиб турган бу чиқиндихонага қачон чек қўйиларкин?

Шарофат ТОШХЎЖАЕВА.
нафақачи.

Миллат ва маънавият

БУЮКЛИККА ДАЪВОГАРМИЗ

Вақт — ҳакам. Ҳаёт — мактаб. Инсон — мўъжиза. Учалоби оралиғида Тириклик умргузаронлик қилади. Йил йилларга уланади. Давр занжири узун тортиб бораверади. «ЭРТАНИ КЎРМОҚ УЧУН ОРТГА БИР НАЗАР ТАШЛАМОҚ ЗАРУР!». Ортимизда эса... Турфа хил воқеалар шоҳиди — сершиддат йилимиз бор.

Ўтган йилдан МЕН нимани олдим?

Ўтган йилдан СЕН нимани олдинг, азиз замондошим?!

* * *

Ҳар Янги Куннинг ўз ранги, ўз мазмун-моҳияти бўлади. Биз унда яшаб ўзимизни англаймиз, ўзлигимизни кашф этамиз. Шу тариқа кунлар умримизнинг ёруғ нуқталарига айлана боради. Дунёга шу нуқталардан туриб қараймиз. Шууримизда Ҳаётга муҳаббат, Тирикликка шукроналик туйғуси барқ уради. Шукроналик...

Шу туйғу МЕНинг юрагимда зоҳирми?

Шу туйғу СЕНинг юрагингда ҳам уйғоқми, азиз замондошим?!

Биз озод юртнинг ҳар туҳфасини мўъжизадек қабул этиб, ҳар даъватига қалб амри билан жавоб берямизми? СЕН билан МЕН нималар қилмоққа улгурдик? Қай эзгу юмушларни хаёлдан фаромуш этдик? Ўз қобиғимизга ўралиб ўз кечинмаларимиз билангина чекланиб қолмадикми?

Мустақилликнинг қад ростлаётган улкан биносига қай биримиз атиги бир дона ғиштни ўз қўлимиз билан қўя олдик?!

Ўтган кунларимизга назар ташлайлик.

* * *

«ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ!» дегандилар Президентимиз россиялик бир гуруҳ журналистлар билан учрашувда. Ҳа, биз танлаган йўлнинг кенг ва равон эканлиги, унда Умидлар тантана қилиб, Эзгулик ниҳоллари амал олаётгани рост. Юртбошимизнинг Франция, Эрон, Грузия, Руминия, Америка, Италия, Бельгия, Португалия ва бошқа кўплаб мамлакатларга қилган расмий сафарлари ажойиб натижалар бераётгани рост. Шу мамлакатлар билан юртимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичларда давом этаётгани, ҳамжиҳатликда тузилган қўшма корхоналар иши тараққиёт занжирига мустаҳкам халқа бўлиб уланаётгани ҳам рост. Шу ростликлар ичра озод Ватан янада улғайиб, камол топмоқда!

Ўтган йил ўрталарида таҳririятимизга ажойиб бир мактуб келди. «Асакадаги «ЎзДЭУавто» заводида «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари чиқарилаётганини эшитиб, кўнглимиз ғурурга тўлди, — дея ёзилганди мактубда. — Янги автомобилларнинг бири улуғ бобомиз Амир Темурнинг завжаи мукаррамалари Сароймулкхоним (Бибихоним) хотираларига «БИБИХОНИМ» деб номланишини орзу қиламиз!»

Ҳар Янгиликни қадрлайдиган, фикр-ўйи яшноқ ва теран халқимиз бор. Ўтган йилимиз буюк соҳибқирон Амир Темур йили бўлганлиги учун ҳам янада оламшумулдир. Йил бизга бобомиз юрган йўллардан из солишга, унинг бой маънавий ва маданий меросини ўрганишга, у ҳақдаги ёруғ хотираларни ёдлаб, ўқиб-изланмоққа даъват этди. Ҳазрат бобомизнинг 660 йиллиги мамлакат бўйлаб нишонланди. Тўй кунларида Соҳибқирон туғилган юрт Қашқадарёда ва у асос солган кўҳна Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда буюк зотнилигининг ЮКСАЛИШИ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ ТОМОН БУРИЛИШ ЙИЛИ БЎЛИШИ КЕРАК!» Йил давомида иқтисодий ривожланиш сари қўйилган дадил қадамлар шу соҳада эришилган муваффақиятлар юртбошимизнинг мана шу сўзларига берилган жавобдек туюлади. Асосий эътибор қишлоққа саноатни олиб кириш, ишчи ўринлари яратиш, кичик, ўрта ва хусусий корхоналар ишини равнақ топтиришга қаратилди. Тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқи қонунларимиз билан кафолатланди. 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш Дастури жойларда кенг ишлаб чиқилди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойилига кўра, иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш, банк ва молия тизимини яхшилаш сари кескин бурилишлар ясалди.

МАЪНАВИЯТ — халқ юрагининг кўзгуси. Қай бир йилларда бу кўзгуни биз ғуборлардан асрай олмадик. Россия ва бошқа халқлар маънавияти ва маданиятига кўр-кўрона тақлид қилишнинг оғир оқибатларини ҳамон бошимиздан кечиряпмиз. Аслида, бизнинг маънавий ривожланишимиз асосида инсофу диёнат, ҳалоллик, имонэътиқод сингари азалий фазилатлар ётади. Шукрким, озодлик, аждодларимизнинг бу меросини ўзимизга қайтарди. Бу кун кишиларимиз қалбида маънавият қайтадан қадр топиб, янада сайқаллanмоқда.

Қадимгилар айтиб қолдирган бир нақл бор: «АЁЛИ ЙИҒЛАМАГАН ЭЛ — БАХТЛИДИР!» Кўзида ёши, дилида ҳасрат юки билан идорама-идора «ҳақиқат ахтариб» юрган Аёлнинг қисматига ҳар биримиз масъулмиз. Унинг кўнглини кўтариш, дардига малҳам бўлиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир. Аёлнинг оналиги, манфаати, шаъни ва номуси Қонунларимиз томонидан тўла ҳимояланган бир пайтда у нечун ўз кулфати билан ўзи ёлғиз қолиши керак, ахир! Аёлга ўз ҳақ-ҳуқуқини англатмоқ пайти етди.

1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ деб эълон қилинди. Инсон манфаати — инсоннинг ўзлиги, қадр-қиммати, ҳурматидир. Қачонки ўзини ҳурмат қилган инсонгина ўзгаларнинг ҳам ҳурматини жойига қўя олади. Ўзини англаган одамгина бошқаларни ҳам англайди.

Йил МЕНга ўзни англаш туйғусини берди.

Биламан, СЕН ҳам бу кун ўзингни англаб яшаётирсан, азиз юртдошим!

* * *

«ЎЗБЕКИСТОНДАН ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ!» Европалик Комиссар Ханс БРУК мамлакатимизга қилган ташрифи ниҳоясида шу сўзларни баралла айтди! Зеро, бундай сўзларни дунё мамлакатларидаги юртимизни билган, юртимиз ҳақида эшитган ҳар бир фуқаронинг айтмоғига шак-шубҳа йўқ. «ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ!» Биз ана шу Буюкликка дахлдормиз. Биз ана шу Буюкликка даъвогармиз!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Хатларда ҳаёт акси

НОН ЎРНИГА УН ОЛИБ ҚАЙТДИМ

Дастурхон кўрки нон. Байрам дастурхонида ҳамма нарса бўла туриб, нонинг кам бўлиши яхши эмас, деган хаёлда укамни бозорчага юбордим.

— Қўйлиқнинг 5-6-даҳаларидаги (Сергели туманига қарашли) кичик бозорларда ва озиқ-овқат дўконларида нон йўқ, деб қайтди Ғуломжон.

Болага иш буюр, ўзинг орқасидан югур, дегани шу бўлса керак, деб ўзим чиқдим. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Аммо, Қўйлиқ-5 даги бозорчада 30 га яқин каттаю кичик нон келишини пойлаётган экан. Бироз кутдим. Велосипедли бола нон олиб келди. Сотувчи аёл югуриб чиқиб нонни олди. Харидорлар эса неча пул, дея тармашди. Аёл атрофга бир боқиб, 25 сўм деди. Шу-шу бир кун олдин донаси 8 сўм бўлган тандир нон кўз ўнгимда дақиқа ҳам ўтмай 25 сўмдан пулланди.

Соат 6. Дўконлар ҳали очиқ. Аҳвол Миробод туманида яхшидир, деб Қўйлиқ-4 даҳасидаги дўконга югурдим. Аммо...

Олдимдан ёши 70 лар атрофидаги онахон чиқиб, уч-тўрт невараси билан «Бозорда нон борми қизим», дейди. «Бир аёл сотди, донаси 25 сўмдан, у ҳам қолмади-я» дедим.

— Қандай ҳазм қилар экан, ноинсофлар, ҳеч бўлмаса 15 сўмдан сотса бўлмайдими, — дейди ўзини Манзура Ибрагимова, 41 уй 39-хонадонда яшайман, деган онахон. — 50 сўм олиб чиқувдим-а. Буларнинг қайси бири оғзидан топаман, дея невараларининг юзига қаради Манзура ая.

Хуллас, 31 декабрь куни ая нон олиб қайтганми йўқми, билмадиму, мен дўкондан ун олиб, уйга бордим.

Хўш, хусусий нон ёпувчилар байрам қилиб, тандирларига олов ёқмабди. Нега пойтахт аҳолисини нон билан таъминловчи корхоналар шу куни ҳамма озиқ-овқат дўконларида дастурхон кўрки бўлган нонинг бисёр бўлишини ўйлашмади?

Гулнора ЖОВЛИЕВА,
уй бекаси.
Тошкент шаҳри, Қўйлиқ-5 даҳаси.

Лўқма

АРЧА БАЙРАМИ ЯХШИ-Ю, ЛЕКИН...

Янги йилни ҳаммадан қўпроқ болалар орзиқиб кутишади. Қор ёғса ҳам, қуёш чарақлаб турсаям ямяшил Арча атрофида қўл ушлашиб қўшиқ куйлашади. Бола-бола-да . Улар Қорбобо-ю Қорқизнинг меҳмони бўлишдан ўзлари учун бир олам шодлик сандиғини кашф этадилар-да.

Ишхонадан бепул улашилган — Арча байрамига таклифномадан, очиғи, биз ҳам боламиз билан баравар қувондик. Шу боис 1 январь куни эрталабки соат 12 да бошланадиган Тошкент Давлат цирки томошасига — Арча байрамига ошиқиб келдик.

Томоша бошланди. Саҳнага Қор маликаси чиқди. Оппоқ... Болалар шодликларидан томошагоҳни зиреллатиб чапак чалиб юборишди... Эртаклар оламига кирдик.

Ҳа, томоша бўлгач, чапак чалишади-да, дерсиз. Афсус... Болаларимиз бошқа бундай жам бўлишиб, шодланишиб чапак чалишолмади. Нега дейсизми?

Таклифномамизда «Томошалар икки — ўзбек ва рус тилида олиб борилади» деб қайд этилганди. Тўғри, шундай бўлдиям. Лекин номига, хўжакўрсинга... Гўзал эртаклар оламини биз катталар-ку, англадик. Болалар-чи? 10 та сўздан биттаси ўзбек тилига ўгирилди, холос. Аслида бу томоша «ўгирилиши» керакмиди? «Дедмороз», «Снегурочка», «Карабас-барабас», «Ёлка»нику болажонлар англашди. Бироқ рус тилида талқин этилган сеҳрли эртаклар оламини тушуниша олишадими бу « чала-мулла томоша»дан. Фарзандларимизга таржимонлик қилиш, саволларига жавоб қайтаришдан бизку зерикмадик. Болалар-чи? Атрофга разм соламиз. Аксарият томошабинлар ўзбек тилига «талабгор» томошабинлар... Қор маликаси болаларга қарата «Нега қарсак чалмаяпсиз?», «Эртак ёқдими?» деб сўраб қулди. «Гўзал маликам, ахир улар сизни англамаса, нимани олқишлашни тушунмаётган бўлса, нимагаям чапак чалишсин?» дегимиз келди. Икки нафар хизматчидан дилимизни ўртаган «нега?»нинг сабабини сўрагандик: «Бизнинг ишимиз «томоша» кўрсатиш, у ёғи бошқаларга тегишли...» дейишди. Ҳамма бало шунда — «менинг ишим эмас»-да! Бу кимнинг иши? Цирк маъмуриятига учрашгимиз ҳам келмади. Чунки томоша тамом, бўлари бўлди.

Ўйланиб қолдик. Йўқ, тамоша ҳали давом этяпти. Балки менинг, сизнинг фарзандингиз ололмаган завқдан-эртага унинг, уларнинг фарзандлари шодланар.

Қолаверса, болаларнинг қувончли дамлари кўп! Бола арзимаган томоша ёхуд сабабдан ҳам ўзига катта шодлик ясай олади-да! Бундай «чала мулла томоша»лар қанча тез барҳам топса, боламиз залда «Ойи, Қорбобоям келадими?» дея кўнгилни ўрташмасди.

Қор маликаси «Қор бобони чорлаймиз!» дея ҳайқирса, қарсаклардан, эркатойларнинг олқишларидан ер ва осмон зирилласа... Шунда борлиқ шодликлар оғушига бурканган бўлади-да.

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
Мунира АЗИМОВА.

ШОДИЁНА ДАВОМ ЭТАДИ.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

БИР ХОКИСОР, БИР ДИЛБАР АЁЛ

Ҳаёт сўқмоқлари

Дарвоза олдидаги аёлни кўриб аввалига кўнглим хижил тортди. Сездирмадим. Нима бўлганда ҳам у — меҳмон. Қора тортиб келибди. Дарров дастурхон тузадим. Утирибмиз. Ҳадеганда гапимиз қовушавермади. Утирибмизу кимдир бизни кузатаётгандек.

«Ундан узоқроқ юринг. Шаҳарда юриб билмайсиз, у ёмон бўлиб кетган». Биз дарёнинг икки тарафидамиз. Упирилиб-упирилиб тушаётган қирғоқдан сесканиб ўзимизни янаям четга тортамиз. Орадаги сув тағинам лойқаланиб, ваҳимали шовуллайди гуё.

— Опа, майлими бир нарса сўрасам? Ўйламай айтган бу гапимдан алланечук бўлиб кетдим. Бандаси кимки, бандасидан сураса.

Меҳмоним худди фикримни уққандай, беғараз, ҳам бироз синиқ табассум қилди.

— Суранг, ҳар қалай ғийбатларга ишонмабсизки, юзимга айтмоқчисиз. Кўп бўлди, мен ҳам ким билан-дир ҳасратлашгим, дилимни ёргим келади. Шу вақтгача нуқул ўзингизни мендан олиб қочдингиз.

Бошим эгилди. Тўғри-да. Ҳар гал қишлоққа борганимда қариндошларимдан ҳам илгари у югуриб чиқар, менга илиниб ёпган ё сомса ё патири ҳеч эсидан чиқмасди. Унутмай бир гал туғилган кунимга укамдан қўйлак тикиб бериб юборибди. Антиқа матодан. Бепарвогина олдим қўлимга. Ҳай, майли. Қўшним суюниб кияди. Ушанда тўрт боласи билан меҳмонни кузатиб дарвозани қулфлаб олиш менга қолди. Икки ҳовли наридаги қўшним эри билан тўйдан қайтишаётган экан. Ғалати қараш қилиб ўтиб кетишди.

Шу воқеа сабаб бўлдими, кейинчалик аёллар ўзларини мендан нари тутадиган, эркаклар пичинг қиладиган бўлиб қолишди. Лекин бирор марди «сен шунақасан», деб юзимга айтмади. Шукр, болаларим бор, улар билан овунаман. Уларни едириб-ичириш, устини бутлаш дейсизми? Буёғи тунгичим Тошкентда ўқийман, деб турибди. Нима қилай? Одамлар гап қилади, деб ўтираверсам, буларни ким қилади? Ҳунарим бор. Етти-саккизта қизларни тўплаб, тикувчилик цехи очдим. Иш билсанг, пул ҳам, барака ҳам бўлаверар экан.

Бекорчиларга яна гап топилди. Эри ногирон бўлса, бу пулни қайдан олади? Энди тўй-маъракалардан ҳам мени четлатиша бошлашди. Эрларини-ку қизғаниб эслари кетишарди. Асабларим дош беролмади. Болаларим, эрим тўйда. Кенжамни сурига ўтирғиздиму арқонни олиб, молхонага чопдим. Айни пайти. Арқонни бўғзимга тортдим. Оёғим остидаги столни тепсам бас, қутуламан шу ғийбатлардан. Болам иззиллаб йиғлаганча ҳовлини бошига кўтарди. Шўрлик қорни очибди. Кузим ачишди. Қўлимга бир нарса томди. Сут.

Ҳалоллигимни Худо билсин, арқонни отиб, ташқарига чиқдим.

Одам боласи ҳар нарсага кўникаркан. Ғийбатларга қасдма-қасд яшашни ўрганди. Пулларимни айлантириб юриб тижорат қилдим. Уғлим Тошкентда ўқиб қайтди.

Келинжон, Худо юзимни ёруғ қилди. Ўтган йили, айни саратон. Савдо сафаридан қайтсам, эрим уғлим қатори бола билан зиёфатни қуюқ қилиб ўтиришибди. Очиқ-қандим. Болаларим билан сурашиб улгурмай дастурхон атрофига чўкдим. Келиним сузиб келган овқатга қўл узатгандим ҳамки, меҳмон йигит пиёлага ароқни тўлдириб, менга узатди.

Ичмайман, дедим кескир.

— Эй, опа сиздақа аёллар ичади. Олифтачилик қилманг — хиралик қилди у.

— Ичасан, ол, — тўнгиллади эрим ҳам.

Шу пайт ичкаридан уғлим отилиб чиқди:

— Эй, Рустам, ким айтди сенга опамни ичади, деб...

— Ичади, биз айтсак, ичади.

— Бор, ишингни қил, — отаси боламни қайтарди.

— Шу пайтгача одамлар онамни нима дейишса индамадим. Бунақаси кетмайди энди. Уғлим меҳмоннинг қўлидаги пиёлани олиб, оғзига тутди. Бир оёғини унинг жағига тираб, ароқни ўзига ичирди.

— Бўлди қил, оқ қиламан, — бақирди эрим.

— Шу маҳалгача онамнинг топгани ҳалолу ўзи ҳаром бўлиб келди. Бизни боқди, кийдирди, тарбиялади. Ўқитиб, уйлаш ҳам унинг зиммасида. Оқ қилиш сизнинг бурчингиз экан, майлингиз. Аввал онамнинг поклигини исботлай...

Эрим жим бўлиб қолди. Уғлим шишадаги ҳамма ароқни Рустамга зўрлаб ичирди. Қолган «улушини» ҳам бериб, уйигача олиб бориб қўйди.

Ўшандан буён одамлар ўйлаб гапиришади. Эркак хонадоннинг соҳибигина эмас, у мустаҳкам қўрғони экан. Эркак ориятли бўлса аёлнинг шаънига гард юқиши у ёқда турсин, ёввойи қуш ҳам уйлаб учаркан ҳовлинг тепасидан. Шукр, болаларим ҳамиятли чиқишди.

Гапини тугатиб, бўшаган пиёласини менга узатди. Маъсумгина, хокисоргина.

Нега илгари сизмабман-а. У чиндан ҳам жозибали, латофатли аёл экан..

Қаноат БОЙХОН қизи.

ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИ

БУХОРО. Олот туманининг Гулистон фуқаролар йиғини ҳудудида янги бино фойдаланишга топширилди. Қишлоққа ўзига хос кўрк бағишлаган бу бинони 188-хўжаликлараро механизациялашган жамланма азаматлари қуриб беришди. Муҳими, қишлоқ аҳли байрам арафасида бир йўла 50 беморга хизмат кўрсатадиган шифохонага эга бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ.

БУГУНГИ МЕҲНАТ — ЭРТАНГИ РОҲАТ. **И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

ТАРИХИЙ НОМНИ ТИКЛАЙЛИК

Қадимда Бухоро, Самарқанд, Хева ва Қўқон сингари Кармананинг ҳам ўзига хос ўрни ва мавқеи бўлган. Бунинг устига тарихий ёдгорликлар ва обидаларга бой Кармана буюк ипак йўлининг қоқ белида жойлашган. Шундай экан Кармананинг тарихий номини қайта тиклашни лозим, деб биламан. Таклифим Навоий вилоятидаги Навоий тумани Кармана тумани деб аталса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан вилоят ҳамда Навоий шаҳри аталаётган бир пайтда Навоий туманига асло ҳожат йўқ. Агар мазкур туман Кармана номи билан аталса биринчидан, авлодлар руҳи ҳоки шод бўлади, иккинчидан қадимий ёдгорликлар — Қосимшайх мачитига, Маликработ, Сардоба сингари улуғ қадамжолар янада обод бўлади. Учинчидан, Карманага зиёрат учун келувчи чет эллик сайёҳлар сони муттасил ортади. Ҳаммасидан ҳам тарихий муқаддас ном қайта тикланса, нур устига аъло нур бўлур эди.

А. ОБЛОЕВ,
нафақачи, Навоий шаҳри.

ЧУВ ТУШИРИШ — ГУНОҲИ АЗИМ

Кунларнинг бирида эрталаб ишга кела туриб бир қария билан учрашиб қолдим. Отахон салом-аликни ҳам насия қилиб, ҳасратга тушиб кетди.

— Ноинсоф одамлар кўпайиб кетди, болам. Яқиндагина ўғлимга бозордан этик олган эдим. Ҳали бирор қор ёки ёмғир кўрмасдан таги ажраб кетди, — дейди куюниб.

— Қараб олмайсизми, ахир отахон.

— Кошкийди бозорда раста бўлса. Унини кўриб бирини олардим. Ярамас сотувчи қопга жойлаб қўйган экан. «Чет элникидан қолишмайди. Ўзимизнинг косиблар тикишган. Мана қаранг, ўлса нетмас, жуда пишиқ» деб мақтай кетди. Мен ҳам этикнинг кўринишига қараб лаққа тушибман. Ишондимда, бўтам, ишондим.

— Хафа бўлманг, бўлар иш бўлибди. Энди пишиқ бўласизда, — деб уни юпатдим.

— Аслида гап фақат шу арзимас этикда эмас. Ахир кўз ўнгимизда, одамлардан инсоф кетаяпти. Ваҳоланки, ҳаммамиз мусулмон бўлсак. Эртага барчамизнинг борадиган жойимиз биттаку. У ҳам, буюрган бўлса, бир бўйра лаҳат. Шуни ўйламаганига ичим ачийди-да.

— Қўяверинг, бировни чув туширганлар дўзахнинг қаърига тушади. Бу гап Ҳадиси шарифда ҳам бор, — дедимда, у билан хайрлашиб йўлимда давом этдим. Бироқ, узоқ ўйланиб қолдим.

Наҳотки, пул кетидан қувиб шундай сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар, косиблар бировни чув туширишгуноҳи азим эканини ўйлашмаса. Алдам-қалдамлик билан топилган пул кимга буюрган?! Валломатига ҳам буюрмайди. Дарвоқе, қўл учида иш юритиб «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида маҳсулот тайёрлаётган корхона ва косиблар фаолиятини, олди-соттисини назорат қиладиган ташкилотларнинг вакиллари қаёққа қарашяпти?

Юнус ҲИДОЕВ,
Тошкент шаҳри.

ЖЎРАБОЙГА ГАЗ КЕЛДИ

Ўтган йили «Ўзбекистон овози» газетасида «Раислар алмашяпти, газдан эса дарак йўқ» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда Челак тумани Н. Азимов номли жамоа хўжалигининг бир қатор қишлоқлари ҳанузгача газлаштирилмаганлиги тилга олинганди.

Туман ҳокимияти кўмаги ва бу ҳудуддаги маҳалла фаолларининг сайъ-ҳаракати билан Янги йил арафасида хўжаликнинг Жўрабой қишлоғи хонадонларида табиий газ ёна бошлади. Тез кунларда Ровот, Ўймовут қишлоқларида яшоавчи аҳоли ҳам «зангори олов»дан баҳраманд бўлиб қолса ажаб эмас.

Баҳодир ДОНАБОЕВ,
Самарқанд вилояти, Челак туманинг
Н. Азимов номли жамоа хўжалиги.

Қандай яшаяпсан, ҳамқишлоқ?

ДЕҲҚОН ҒИРРОМЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

(1-мақола)

Яқинда қишлоққа борган эдим. Кечки пайт қўшнилардан бири сўраб чиқди: салом-алик, узоқ ҳол-аҳвол сўрашишдан кейин мақсадга кўчди.

— Шу, бизни катта ўғилчани ҳам ўзингиз билан шаҳарга олиб кетсангиз, дегандим.

— Ҳа, ўқишга кирмоқчими? — сўрадим ҳайрон бўлиб. Чунки декабрь ойида ҳеч қаерда ўқишга қабул бўлмаслиги аён.

—Йўқ. Бирор завод-паводга ишга киришида ёрдам берасизми, деб ўйловдим...

Қўшни келгунга қадар янгам ҳам акасининг ўғлига шаҳардан иш топиб беришини илтимос қилган эди. «Нима қишлоқдан илон чиққанми?» дилимдаги савол тилимга қандай чиқиб кетганини билмай қолдим.

— Шу энди-чайналди қўшни. — Қишлоқ-ку, яхши-я, лекин деҳқонга ҳақ йўқ-да. Иш ҳақимизни олти ойда бир олмасак. Нарх-наво дегани бундай ўсиб турибди. Ҳалиям пешонамиз-да уч-тўрт мол, товуқ-повуқ бор. Худога шукр, қўшимча томорқа беришган. Бир икки йилдан бери галла ўзимиздан чиқади. Сут-қатиқ деганини сотиб олмаймиз. Лекин... Шу... Пул ҳам керак-да. Кийим-кечак дегандай. Шунга укангиз ҳам шаҳарда ишласа, дегандимда...

Қўшнининг узуқ-юлуқ гапларидан англадимки, жамоа хўжалигида ишлаётган деҳқон ўз меҳнат ҳақини вақтида ололмайди. Бу республикамиздаги кўпгина жамоа ва давлат хўжаликларга хос касаллик. Деҳқонни ишлатишни билишади, ҳақ тўлашга келганда бор отангга, бор онангга. Касбим тақозосига кўра жуда кўп вилоятларда, қишлоқларда бўлганман. Кўплаб деҳқонлар билан мулоқот қилганман ва уларнинг аксарияти меҳнат ҳақларини ўз вақтида ололмаётганликлари хусусида арз-дод қилишган. Бу масалага юртбошимиз Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сузлаган нутқларида ҳам жиддий ёндашдилар. Деҳқон меҳнатига бўлаётган эътиборсизлик, уларнинг айбдорлари хусусида кескин танқидий фикр билдирдилар.

Тўғри-да, дастурхонимизнинг тўкинлиги, турмушимизнинг фаровонлиги деҳқон, унинг пешона тери эвазига бўлса-ю, у бечора ўз меҳнат ҳақини ололмаса. Бу қайси қонунга, қайси ҳақиқатга тўғри келади? Жамоа (давлат) хўжалиги бошқарув аппаратида ишлаётган раҳбарлар эса маош олишни унутиб қўймайдилар. Деҳқонникини беришга келганда...

Шу ерда мавзуда озгина чекиниш қилсакда, ўртага бир таклиф ташласак: 1996 йил мамлакатимиз иқтисодий тарихига катта ҳарфлар билан ёзиладиган юксалиш йили бўлди. Буни тан олиш керак. Республика ҳукумати раҳбарияти томонидан ҳам бир қатор инсон омилини улуғловчи фармон, қарор ва қонунлар қабул қилиндики, бу мустақил давлатимиз фуқароларининг олқишига сазовор бўлди. Айниқса, аҳолининг 1991 йилгача омонат кассаларга қўйган пулларининг индексация қилиниши айни муддао бўлди.

Энди таклифга келсак. Давлат ўз фуқаролари жамғарма банкларига қўйган пулини қуйдирмади. Бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга олиб, қўшимча фоизлар билан қайтарди. Шундай экан, нега энди жамоа (давлат) хўжаликлари шундай қилмасликлари керак. Мана оддийгина мисол. 1996 йилнинг бошларида 1 кг гўшт бозорда 35—40 сўм эди. Бугун 150—180 сўм. Агар деҳқон йил бошидан ўзининг 300—400 сўм меҳнат ҳақини олганда бола-чақасига камида 10 кг гўшт едириши мумкин эди. Бугунги нархга эса у ўша пулга бор — йўғи 2 кг гўшт олади. Жумладан, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари-ю, кийим-кечак, саноат моллари нархи ҳам бир қадар ошди. Демак, деҳқоннинг жамоа (давлат) хўжалигидан оладиган, олиши керак бўлган маблағини ҳам хўжалик индексация қилиб бериши керак. Чунки бозор иқтисодиётини ўзига хос шафқатсиз қонунлари бор. Бу қонунлардан раҳбар ҳам, ишчи ҳам, деҳқон ҳам бекиниб қололмайди. Қочиб қутулолмайди. Шундай экан, жамоа (давлат) хўжаликлари деҳқон учун Мирзакаримбой эмас, елкадош дўст, кўмакдош бўлиши лозим назаримда.

Қишлоқдан қайтишда бир неча раҳбарлар билан йўлдош бўлиб қолдик. Узоқ йўлни яхши суҳбат яқин қилади дейишади. Гурунгимиз роса қизиди. Мавзуни қишлоқ ва ундан кетиб қолаётган ёшларга бурдим. Шунда мен дуппа-дуруст одам ҳисоблаб юрадиган раҳбарлардан бири қизиқ гап қилиб қолди:

— Ўзи ҳозирги деҳқонлар дангаса бўлиб кетишган. Ёшларга эса иш ёқмайди.

НЕГА? Ушбу савол хаёлларимни чақмоқдек тилиб ўтди. Йўлдошлардан жўялироқ жавоб чиқмагач, яна ўзимча мулоҳаза қилдим. Синфдошим—жамоа хўжалигида кетмон чопаётган Шавкатнинг кечаги сўзлари қулоғим остида қайта жаранглагандек бўлди.

— Жўра, — деганди Шавкат. — Ишдан қочадиган номард йўқ. Мана, кетмоннинг кўзини биз ўямиз. Лекин давлат ҳам (буни қарангки жамоа (давлат) хўжаликларининг айбини оддий деҳқон давлатдан кўради) ғирромлик қилмасинда. Одам нима учун меҳнат қилади? Албатта ҳузурини кўриш учун. Шундай экан, бир йил ишлаб уч марта маош олгандан кўра, бошқа ишнинг этагини тутган яхши эмасми? Ҳалиям бизнинг раис инсофли. Меҳнат ҳаққимизга онда-сонда бўлсада буғдой, пахта ёғига ўхшаш зарур нарсалар бериб туради. Лекин бу ёрдам билан оила тебратиб бўлмайди-да, жўра. Агар деҳқонга танти бўлсанг, у ҳеч қачон ғирромлик қилмайди. Ғирромлик қилсанг...

Дарҳақиқат, Шавкат исбот талаб қилмайдиган ва инкор этиб бўлмас ҳақиқатни айтган экан. Пешона тери билан ҳосил етиштириб, йил ўн икки ой даласидан бери келмайдиган, керак бўлса даласини ўз фарзандидан ҳам яхши кўрадиган ЎЗБЕКНИНГ ТАНТИ, ЗАҲМАТКАШ, ДЕҲҚОНИ ҒИРРОМЛИКни билмайди. Инчунун, унга нисбатан қилинган ҒИРРОМликка ҳам бефарқ бўлолмайди. Мана сизга оддий одамларнинг оддий ҳақиқати. Сиз аввал деҳқоннинг кўнглини топинг, сўнг меҳнат қилганига яраша рағбат кўрсин. Ана шунда дангасалик қилса ўпкаланг.

Энди қишлоқ аҳлининг дангасаликда айбланишига келсак. Бир сўзни оғиз тўлдириб айтишим мумкин. Ким-ким, лекин ЎЗБЕКНИНГ ДЕҲҚОНИНИ ДАНГАСА ДЕБ БЎЛМАЙДИ. У тошдан гул ундирган, чўлдан боғ барпо қилган ҲАЗРАТИ ИНСОНнинг энг СОФДИЛ ФАРЗАНДИДИР!

Фақат...

